



1922 йил 4 август Курбон байрамнинг иккинчи куни Анвар Пошо Балживонда шахид бўлган.

Чекист Георгий Агабеков ўзининг эсдаликларида Анвар пошонинг жойлашган жойини топиш операцияси хақида ёзиб ўтган (Агабеков ўзининг шериги билан савдагарлар киёфасида махаллий аҳолига аралшиб кетган ва пул, пора эвазига Анвар пошо штаби дислокация қилган жойни билиб олган). Ўша эсдалигида Анвар пошо штабига хужум қилган отлик дивизион қўмондони рапортини ҳам илова қилган: "Анвар пошо бошчилигидани босмачилар штаби тоққа қараб қочмокчи бўлди, бироқ улар пистирмадаги эскадронга дуч келиб, жангни қабул қилишди. Жанг натижасида душман штаби йўқ қилинди. Фақат учта одам қочиб қутилди. Жанг майдонида 28 та жасад қолди. Уларнинг орасида Анвар пошо ҳам бор эди. Қилич зарбидан унинг боши ва жасадининг бир қисми қопилган. У билан Куръон топилди". (Георгий Агабеков ЧК за работой Глава VI. Убийство Энвер-паши — Приложение к журналу «Отечественные архивы»)

У Балживондан хотинига ёзган охириги хатида: «Сен билурсанки, маним хақимда тухмат ташвикотлар тарқатиб юрган бадбахт қимсаларнинг иддао этганларидек, бу олис диёрга (яъни Туркистонга) мол-дунё ахтариб, бой бўлмок ёки ўз хокимиятимни қурмок учун қелганим йўқ. Мени сендан узоклаштириб, бу жойларга қелтирган Жаноби Хакнинг зиммамга юқлагани бир вазифадир...».

Абу Муслим